



## XALQ DEPUTATLARI NAVOIY VILOYATI KENGASHI QARORI

210100, Navoiy sh., IslomKarimovsh.k 77 A, tel: (79) 229-62-80, e-mail: navoi@exat.uz, info@navoi.uz

2022 - yil 23 - iyun

VI-35-89-5-0-K/22

Navoiy viloyat hokimligi

### **Вилоят автомобиль йўлларида инсон ҳаёти ва соғлиғини ҳар қандай ҳодисалардан кафолатли ҳимоя қилиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ва мавжуд муаммолар тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 4 апрелдаги “Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-190-сонли қарорига мувофиқ вилоятдаги автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан 2022 йилда вилоятда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича алоҳида “Йўл харитаси” тасдиқланиб, ижроси назоратга олинган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги ўртасида Меморандум имзоланиб, ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Вилоят ИИБ ЖХХ ЙҚХ бошқармаси ва унинг жойлардаги қўйи тизимлари томонидан 2022 йилнинг 4 ойида йўл-транспорт ҳодисаларнинг олдини олиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, жорий йил шу кунга қадар 135 дона йўл белгилари ўрнатилиб, 970 дона йўл белгилари алмаштирилди, 1 дона транспорт, 1 дона пиёдалар светофорлари ўрнатилди. 124,25 км автомобиль йўллари, 174 дона пиёдалар ўтиш жойлари янгидан чизилди. 16 км автомобиль йўли кенгайтирилди, 1030 дона ҳимоя тўсиқлари (БДО-3, БДО-5) ўрнатилди. 12 та пиёдалар ўтиш жойлари, 16 км автомобиль йўлларига замонавий ёритиш чироқлари ўрнатилди. 16 км пиёдалар йўлаги, 12 км велосипедлар йўлаги, 7 дона пиёдалар ўтиш жойи янгидан ташкил этилди ва 127 та пиёдалар ўтиш жойларига сунъий нотексликлар ўрнатилди.

Вилоят ҳудудида ҳайдовчиликка номзодлардан имтиҳон олиш марказларини ташкил этиш мақсадида жорий йилнинг 28 май куни бошқарма ЙҚХБда тадбиркорлик субъектлари билан учрашув ташкил этилиб, имтиҳон маркази қуриш истагини билдирган тадбиркорларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги “Давлат томонидан тартибга солинадиган соҳаларга хусусий секторни жалб этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4913-сонли қарори талаблари асосида ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар берилди.

2022 йил 1 сентябрга қадар вилоят ҳудудидаги “Жаҳон зиё транс” нодавлат таълим ташкилотига тегишли ер майдонида намунавий имтиҳон олиш маркази фаолиятини йўлга қўйиш белгилаб олинди.

Вилоятда жами 49 та мактабда “Ҳаракат хавфсизлиги синфхона”си ташкил қилинган. Ўқувчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларига доир билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида, Навоий шаҳридаги вилоят Маънавият ва маърифат марказида “Заковат” интеллектуал ўйинлари ўтказилди.

Вилоятда ўрнатилган “LED” мониторлари орқали вилоят ҳудудида содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларининг фожиали оқибатларини акс эттирувчи видео роликларни мунтазам равишда намойиш этиб бориш тизими йўлга қўйилди. Шунингдек, барча турдаги таълим муассасалари яқинида ўқиш бошланиши ва тугаши вақтида бошқарма ходимлари ҳамда профилактика инспекторларининг хизмат олиб боришлари ташкил этилиб, бунда асосий эътибор ходимлар томонидан ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга қаратилмоқда.

Вилоят бўйича жами 19 та чорраҳа ҳамда 12 та стационар радар ўрнатиладиган жойлар e-auksion.uz сайти орқали сотувга қўйилган бўлиб, шундан ҳозирги кунда 14 та чорраҳада ҳамда 7 та стационар радарлар ўрнатиладиган ҳудудлар тадбиркорлар томонидан сотиб олинган.

Ҳозирги кунда 6 та чорраҳалар ҳамда 5 та стационар радар ўрнатиладиган ҳудудлар e-auksion.uz сайтида онлайн аукционга жойлаштирилган ҳолда сотувга қўйилган.

Шунингдек, 9 та техник кўрик диагностика станциялари ишга туширилган, 1 та ҳайдовчиларни тайёрлаш ва имтиҳон олиш марказлари режалаштирилган бўлиб, марказ қурилиши учун ҳудуд ер-жойи сотиб олинган.

Соҳада олиб борилган амалий ишлар ва тарғибот тадбирлари натижасида, жорий йилнинг ўтган 4 ойида содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари 10,8 фоизга (74-66), вафот этганлар 25,9 фоизга (27-20) камайишига эришилган бўлсада, тан жароҳати олганлар эса 7,0 фоизга (57-61) ошиб кетган.

Йўл транспорт ҳодисаларининг келиб чиқиш сабаблари 1 (4) та маст ҳолатда транспорт воситасини бошқариш, 30 (14) та тезликни ошириш, 11 (10) та пиёдалар йўлкасида пиёдага йўл бермаслик, 5 (1) та имтиёзга эга бўлган автомашиналар, 3 (3) та оралиқ масофани сақламаслик, 5 (5) та қарама-қарши йўналишга чиқиб ҳаракатланиш, 1 (3) та чарчоқ туфайли рулда ухлаб қолиш, 1 (2) та светофор ишораларига амал қилмаслик, 1 (2) та йўналишни кескин

Ўзгартириш оқибатлари асосида содир бўлган.

Йўл транспорт ҳодисаларининг йўллар кесимида таҳлили яъни, халқаро аҳамиятга эга 302 км.да 11 (23) та, 52.2% камайган, давлат аҳамиятига эга 2490 км.да 22 (24) та 8.3%га камайган, маҳаллий аҳамиятга эга 1125 км.да 9 (14) та, 35.7% камайган, шаҳарлардаги кўчалар 10933 км.да 23 (13) та 76.9%га кўпайган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, билдирилган таклиф ва фикр-мулоҳазаларни инобатга олиб, халқ депутатлари вилоят Кенгаши

#### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Вилоятда автомобиль йўлларида инсон ҳаёти ва соғлиғини ҳар қандай ҳодисалардан кафолатли ҳимоя қилиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ва мавжуд муаммолар тўғрисида вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари У.Адизовнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоят ички ишлар бошқармаси жамоат хавфсизлиги хизмати йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси (Т.Рамазонов) 2022 йилнинг 4 ойида вилоятда йўл-транспорт ҳодисалари сони 10,8 фоизга, вафот этганлар сони 25,9 фоизга камайишига эришилган бўлсада, тан жароҳати олганлар 7,0 фоизга ошганлиги алоҳида кўрсатиб ўтилсин.

Бунда, 2022-2023 йиллар давомида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш меморандуми ижросини таъминлаш бўйича қабул қилинган вилоят ҳокимининг 2021 йил 28 декабрдаги автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирларига оид меморандуми ижросини сўзсиз таъминлаш чораларини кўрсин.

3. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Б.Бобомуродов), вилоят ҳокимлиги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи (У.Шарипов), ички ишлар бошқармаси жамоат хавфсизлиги хизмати йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси (Т.Рамазонов), автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси (Э.Камолов)га:

йўл ҳаракати соҳасида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини ишончли ҳимоя қилиш, йўл инфратузилмасининг хавфсизлик талабларига тўлиқ жавоб беришини таъминлаш;

ҳудудларда йўл ҳаракатини самарали ташкил этиш ҳолатини мунтазам равишда баҳолаб бориш, ушбу соҳада ҳудудий давлат органлари ва маҳаллий ҳокимликларнинг самарали фаолият кўрсатишини назорат қилиш;

йўл-транспорт ҳодисалари сабабларини чуқур ўрганиш, йўлларнинг хавфли авария участкалари рўйхатини тасдиқлаш орқали келгусида уларнинг олдини олиш юзасидан илмий асослантилган таклифлар тайёрлаш тизимини яратиш;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасига замонавий ахборот

технологияларини жорий этиш, инсон омили ва коррупция ҳолатларини истисно этувчи автоматлаштирилган назорат тизимларини оммалаштиришга доир тадбирларни белгилаш;

ҳудудларда йўл инфратузилмасини яхшилаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг сонини қисқартириш бўйича дастур лойиҳалари ишлаб чиқилишини ташкиллаштириш ва келишиш вазифалари юклатилсин.

4. Вилоят ҳокими ўринбосари (Б.Бобомуродов), вилоят ҳокимлиги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи (У.Шарипов), ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси (Т.Рамазонов), халқ таълими бошқармаси (М.Шамуратов), касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси (Н.Улуғбердиев), маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси (Ш.Набиев) тегишли масъуллар билан биргаликда:

ҳар ойда йўл-транспорт ҳодисаларининг сонини қисқартириш бўйича амалга оширилаётган ишлар (тадбирлар)ни танқидий муҳокама қилиб бориш;

“Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлик тизимини тўлиқ ва самарали ишлашини таъминлаш чораларини кўрсин ҳамда ҳар чорак якуни билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга таҳлилий маълумотларни киритиб борсин.

5. Вилоят ҳокими ўринбосари (Б.Бобомуродов), ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси (Т.Рамазонов), автомобиль йўллари ҳудудий бошқармаси (Э.Камалов) туман ва шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

бир ҳафта муддатда вилоят ҳудудларидан ўтувчи магистрал йўлларнинг четида автомобилларни вақтинча тўхтаб туриш жойларини ташкил этиш бўйича таклиф киритсин.

Бунда, ушбу ташкил этиладиган жойларда йўлга ёндош бўлган жойда фаолият кўрсатиб келаётган деҳқон ва фермер хўжаликлари томонидан ўзлари етиштирган маҳсулотларини (жумладан, мева-сабзавот маҳсулотлари) савдосини йўлга қўйишига, вилоятга ташриф буюрган сайёҳлар бевосита ушбу жойга тўхтаб, дам олишлари ва савдо қилишларига шароит яратилишига эришиш кўзда тутилсин.

6. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати (Б.Пирнафасов), ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги вилоят бошқармаси (Д.Мамаражабов), ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси (Т.Рамазонов):

вилоятда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳамда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида тарғибот ишларини янада кучайтирсин.

Бунда, вилоятдаги босма оммавий ахборот воситалари, телерадиоканаллар, ижтимоий тармоқларда ва расмий веб-сайтларда содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларининг аянчли оқибатлари ҳамда бу каби

ҳолатларни олдини олиш борасида ўтказилаётган тадбирларни мунтазам ёритиб борилишини ташкил этсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокими ўринбосари (Б.Бобомуродов) ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг sanoat, transport, қурилиш, коммунал хўжалиги масалалари ва аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича доимий комиссияси (С.Базарова) зиммасига юклатилсин.

**Кенгаш раиси**



**Н.Турсунов.**